# ХУШ НАСИМ ЭСАЁТИР, АНДИЖОН ТОМОНЛАРДАН



*Бу йил нафақат М. ТОЖИБОЕВ номли жамоа хўжалигида, балки Марҳамат туманида ҳам чевар теримчилар Рисолатхон ва Умияхон Аҳмадалиеваларнинг олдига тушадиганлар топилмади.*

## ЯНГИЛИККА ҚЎЛ УРГАН ЮТАДИ

**Ш. САТТОРОВ,**
**вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи, Олий Мажлис депутати**

Биз яқинда Ватанимиз мустақиллигининг олти йиллигини кенг нишонладик. Айтиш мумкинки, ўтган олти йил ҳаётимизда чуқур из қолдирди. Хоҳ қишлоқ хўжалиги, хоҳ қурилиш ва саноат, транспорт, фан ва маданият, маънавият, қўйингки, қайси бир соҳада бўлмасин, қалбларда фахр ва ифтихор туйғусини уйғотувчи, эртанги кунга умид ва ишонч бахш этувчи ўзгариш, ўсиш, ривожланишлар содир бўлди. Асрларга татигулик ана шу юксалишларни биз ҳақли равишда муҳтарам Президентимиз Ислом Каримовнинг серқирра фаолияти, узоқни кўра билувчи доно сиёсати, юрт осойишталиги, халқ фаровонлиги йўлидаги оталарча ғамхўрликлари самараси, деб баҳолаймиз.

Вилоятимизда саноат ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2 мартадан зиёдроққа ортди. Айниқса, кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқариш борасидаги натижалар кўнгилга иликлик бағишлайди. Аниқроқ қилиб айтганда, бу соҳада 2,3 марта ўсишга эришилди. Бироқ бу борада қилинадиган ишлар ва истиқболга мўлжалланган режалар ҳали олдинда. Мақсад шундан иборатки, вилоятимиз иқтисодиётида индустриал-аграр йўналиш устувор бўлаверади.

Андижонликлар Ватанга 310 минг тонна пахта етказиб бериб, йиллик режани барвақт уддаладилар. Бу юксак хирмонда тадбиркор механизатор, миришкор сувчи, ишбилармон мутахассис, чевар теримчи ва олий ҳиммат ҳашарчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

Шуни ҳам айтиш кераки, бу йил плёнка остига чигит экилган катта майдонлардан юқори ҳосил олингани режанинг барвақт бажарилишида муҳим омил бўлди. Ғалабага муносиб ҳисса қўшган Асака тумани деҳқонлари йиллик режани водийда биринчи бўлиб уддаладилар. Ҳозирга қадар улар уйган хирмон 18 минг тоннадан ортиб кетди. Маррага иккинчи бўлиб етиб келган марҳаматликлар 21 минг тонна пахта сотдилар. Булоқбоши, Избоскан, Балиқчи, Шаҳрихон, Жалолқудуқ туманлари деҳқонлари эришган муваффақиятлар барчани қувонтирмоқда.

Ҳар бир мавсум ўз қаҳрамонларини аниқлайди. Табиийки, пешқадамлик, карвонбоши бўлиш ҳаммагаям насиб этавермайди. Бу шарафга янги навлар ва янги технологияни дадиллик билан жорий этган, ишнинг кўзини билиб, меҳнат қилганларгина сазовор бўладилар. Вилоят хўжаликлари ўртасида биринчи бўлиб ғалаба манзилига етиб келган Асака туманидаги «Навбаҳор», Марҳамат туманидаги Т. Мирзаев номли, Жалолқудуқ туманидаги «Ёрқишлоқ» корпорацияси сингари ўнлаб жамоа хўжаликлари ҳосилдорликни 37-43 центнерданга етказдилар. Эндиликда деҳқонлар ва мутахассислар, соҳа олимлари эътироф этишаётганидек, мамлакат пахтачилигида янги давр -- чигитни плёнка остига экиш йўли билан ҳосилдорликни ошириш даври бошланди. Уч йиллик изланишлар натижасида янги йўналишда талай ишлар қилинди. Жумладан, шу йилнинг ўзида етмиш минг гектар майдонда янги усулда пахта етиштирилди. «Андижонча усул» туфайли пахтачиликнинг янги истиқболлари очилмоқда. Энг муҳими, деҳқонларни ташвишлантирадиган йиғим-терим мавсуми 20-25 кун олдинга силжимоқда. Бу дала ишларини ташкил этишда кескин ўзгаришлар ясаш имконини бермоқда. Чунончи, янгилик туфайли буғдой уруғини ғўза қатор ораларига сепишга барҳам бермоқдамиз. Пахта тайёрлаш режасини барвақт бажарган туманлардаги кўплаб хўжаликларнинг далалари ҳали октябрь ойи бошидаёқ, ғўзапоядан тозаланди. Шудгорланиб, буғдой сочилди. Деҳқону мутахассисдан, хўжалик раҳбарларидан дадиллик, қолаверса, таваккалчилик ҳам талаб этадиган бундай ҳолатни ҳатто кекса пахтакорлар ҳам эслай олмайдилар.

Бу масаланинг бир томони. Унинг яна бир муҳим иккинчи томони ҳам бор. Ғўзапоядан тозаланган, сифатли шудгор қилинган ердаги буғдой камида 5-10 центнердан юқори ҳосил беради. Бундан ташқари тупроқнинг таркибида жонланиш пайдо бўлади.

Инсон қайси соҳада меҳнат қилмасин, ўз устида ишламаса, изланмаса, янгиликка дадил қўл урмаса, бир ерда депсиниб тураверади. «Андижонча усул»га асос солган соҳа ходимлари кейинги пайтда пахтанинг истиқболли, жаҳон бозорида харидоргир навларига эътиборни қаратмоқдалар.

Йўлбошчимиз ўтган йилнинг айни шу кунларида вилоятимиз хўжаликларида бўлганларида эртапишар янги навларни плёнка ёрдамида парвариш қилишни синаб кўриш юзасидан маслаҳат берган эдилар. Шунга кўра, вилоятимизда келаси йили «Шароф-75», «Тошкент-6», «Юлдуз», «Бухоро-6» навлари экиладиган майдонлар кенгайтирилмоқда.

Жорий йилда яна бир янгиликка қўл урдик. Дунё қишлоқ хўжалигида муҳим аҳамият касб этган соя экини деҳқончилигимизга кириб келди. Ана шу бебаҳо экинни кенг майдонларда парвариш қилиш билан биз ечимини кутаётган кўп масалаларни ижобий ҳал қиламиз. Аввало, аҳолининг ўсимлик ёғига бўлган эҳтиёжи қопланади. Чорва озуқаси ишлаб чиқариш сезиларли даражада кўпайди. Келгуси йилда такрорий экин сифатида экиладиган соя майдонлари 30 минг гектарга кенгаяди. Бу борадаги ҳаракатимиз бошқа вилоятларда ҳам қўллаб-қувватланмоқда.

Деҳқонларимиз ҳозирги қуёшли кунларнинг ҳар дақиқасидан самарали фойдаланмоқдалар. Ҳосилнинг қолган қисмини ҳам ёғин-сочинга қолдирмай териб олишимиз, униб чиққан буғдой майсалари парваришини намунали олиб боришни ташкил этишимиз керак.

Бозор муносабатлари шароитида саноатни ривожлантиришга, қўшма корхоналарда жаҳон андозаларига тўла жавоб бера оладиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришга, тадбиркорликни ривожлантиришга, янги технологияларни ишлаб чиқаришга кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилмоқда. Мамлакатимиз автомобилсозлигининг фахри бўлган «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасининг ишга туширилиши натижасида вилоятимизда саноатнинг янги тармоқлари вужудга кела бошлади. Биргина шу йилнинг ўзида юқорида айтиб ўтилган корхонага бутловчи қисмлар етказиб берувчи тўртта қўшма корхонага асос солинди. Эрта-индин турли хил бўёқлар ишлаб чиқарувчи яна бир қўшма корхона фаолият кўрсата бошлайди. Енгил саноатни ривожлантириш юзасидан дастурлар изчил бажарилмоқда.

Қурилиш ва ободончилик ишлари халқимизнинг эртанги кунга бўлган ишончини мустаҳкамламоқда. Фарғона водийси аҳолисини «Зангори олов» билан узлуксиз таъминлашга хизмат қиладиган Хўжаобод ерости газ омбори қурилиши жадал суратлар билан олиб борилмоқда. «Тошкент -- Ўш -- Саритош -- Иркештом» йўналишида хизмат қилаётган йўлсозларимиз меҳнати таҳсинга лойиқдир. 25 минг тонна пахтани қайта ишлаш қувватига эга бўлган Марҳаматдаги «Ўқчи» пахта тозалаш корхонаси мавсум арафасида ишга тушди. Ўнлаб мактаб бинолари, шифохоналар, Андижон шаҳри ва кўплаб туманлардаги катта миқёсдаги ободончилик ишлари ҳақида мароқ билан гапириш мумкин.

Вилоятимиз меҳнаткашлари қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича Республика комиссиясининг биринчи мажлисида баён қилинган қоида ва хулосаларга алоҳида эътибор билан қарамоқдалар.

Ислоҳотларнинг рўёбга чиқиши одамлар онгида янгиланиш билан чамбарчас боғлиқдир. Шу боис тақдирини дала билан боғлаган ҳар бир инсон Президентимиз ташаббуси билан бошланган янгиланиш жараёнида фаол иштирок этиши муҳимдир.



*Хўжаобод туманидаги Абдулла Набиев номли жамоа хўжалиги раҳбари Суюнбой Дувонаев (суратда чевар теримчи О. Мадумарова билан) бу йилги мўл ҳосилдан мамнун.*

● *ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА*

## ОТА ПАХТАДАН, ЎҒИЛ СПОРТДАН ЧЕМПИОН БЎЛДИ

**Қўрғонтепа туманидаги «Қорасув» жамоа хўжалигининг Бултурбой Турғунов бошлиқ бригадаси дала шийпонида пахта тайёрлаш йиллик режаси бажарилганлиги муносабати билан шодиёна бўлиб ўтган куни Алматидаги улкан спорт кошонасида республикамиз байроғи кўтарилди.**

Бу йил ота-бола учун чинакам омадлар йили бўлди. Уруғчиликка ихтисослашган хўжаликнинг Бултурбой ака бошлиқ бригадаси аъзолари 22 гектар ерда буғдой, 10 гектар майдонда пиёз, 6 гектарда эса сабзи етиштирдилар. Шартнома мажбуриятлари ортиғи билан уддаланди. Механизатор Маматкарим Мамараимов, сувчилардан Маҳкамжон Аҳмедов, Султонбой Неъматов, Машрабжон Турғуновларнинг меҳнатлари туфайли 21 гектар майдонда пахтадан мўл ҳосил етиштирилди. Даладаги ҳосилни тез ва сифатли йиғиштириб олишда теримчилардан Марҳабохон Усмонова, Одинахон Маткаримова, Ҳабибахон Йўлчибоеваларнинг ҳиссалари катта бўлди. Ҳозирга қадар гектаридан 31 центнердан қимматбаҳо саноат хомашёси йиғиштириб олинди.

Бултурбой ака бошлиқ жамоа туманда карвонбошилардан бири бўлган бўлса, унинг ўғли Тўлқин Турғунов Қозоғистонда бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари спортчиларининг беллашувида бокс бўйича ғолибликни эгаллади ва олтин медаль билан тақдирланди. Унга қадар Тўлқин Жакартада ўтказилган Осиё боксчилари чемпионатида республикамиз спорти шарафини ҳимоя қилиб, биринчи ўринни эгаллаган ва халқаро тоифадаги спорт устаси унвонини қўлга киритгандир.

Ота-бола ғолибларни бутун Қорасув аҳли қутлади.

**Т. СИДДИҚОВ,**
**«Халқ сўзи»нинг жамоатчи мухбири.**

● *САТРЛАР СЎЗЛАЙДИ*

## ПАХТА ДЕМАНГ, ПАХТАМИЗ ДЕНГ

**Бағри дуру жавоҳирларга тўла далаларга ошиқади деҳқонларга кўмакка келганлар.**

-- Биз ҳар йилгидек бу мавсумда ҳам далада ишлаётганларга савдо хизмати кўрсатдик. Барча туманларда кўчма савдо дўконлари ташкил этилди. Бир гуруҳ ходимларимиз даладаги ҳосилни нес-нобуд қилмай йиғиштириб олишда теримчилар қатори меҳнат қилишди, -- деди вилоят матлубот жамияти уюшмасининг раиси Жалолиддин Халилов. -- Ташкилотимизнинг 55 кишидан иборат ҳашарчилар бригадаси Олтинкўл туманидаги «Намуна» жамоа хўжалигида 12 тоннадан ортиқ пахта терди. Туманлардаги ходимларимиз уйган хирмон эса 120 тоннадан ортиб кетди.

* * *

-- Иқтисодиётимизда муҳим ўрин тутувчи пахта саноат хомашёсини беталофат йиғиштириб олиш, сақлашда озми-кўпми ҳиссамиз борлигидан мамнунмиз, -- дея ҳикоя қилади вилоят ички ишлар бошқармаси ёнғиндан сақлаш бўлимининг етакчи мутахассиси Толибжон Йўлдошев. -- Ходимларимиз ҳосил йиғим-терими бошланиши олдидан хўжаликларда бўлиб, ҳар бир хирмон, 73 та қабул пункти, 13 та пахта тозалаш заводининг холатини ўрганиб чиқдилар. Уларни зарур асбоб-анжомлар билан таъминладилар. Ёнғиннинг олдини олишга пухта тайёргарлик юзасидан конкурслар ташкил этилди. Тайёргарлик ишлари маҳаллий матбуотда кенг ёритиб борилди.

Ана шуларнинг самараси ўлароқ мана тўрт йилдирки, биронта марказий хирмонда, тайёрлов корхоналарида ёнғин содир бўлмаяпти. Бу йилги мавсум ҳам беталофат якунланаётир.

Айни пайтда 50 нафардан ортиқ ходимимиз Олтинкўл туманидаги С. Ашуров номли жамоа хўжалиги далаларида пахтакорлар билан ёнма-ён туриб, дур термоқда.

● *ШОШИЛИНЧНОМА*

## МАРРА - 900 ТОННА

**Таҳририятимиз почтасига ҳар куни ўнлаб хатлар, шошилинчномалар келиб турибди. Уларда мамлакатимиз пахта далаларида бугун амалга оширилаётган жасоратли меҳнат тароналари акс этган. Газетамиз айни саҳифаланаётган бир пайтда биз булоқбошилик заршунослардан ҳам зафар рапортини олдик:**

«Халқ сўзи» рўзномасига.

Андижон вилоятининг кенжа тумани бўлган Булоқбоши ҳам кундан-кунга чирой очиб, республикамизга номи танилиб бормоқда. Айниқса, пахтачиликда эришаётган ютуқларимиз беқиёс.

Бугун туманимиздаги Абдумўмин Қаюмов номли жамоа хўжалиги ҳам йиллик пахта сотиш режасини 120 фоизга бажарди. 225 гектар ерга деҳқончилик қилган заршунослар ҳар гектар ердан ўртача 34 цетнерга етказиб ҳосил уйдилар. Жамоа хўжалиги аъзолари ҳар гектар ердан яна 3 центнердан ҳосил йиғиштириб, ялпи хирмонни 900 тоннага етказишга сўз бердилар.



*Далалардаги пахтанинг бўлиқлигини кўрган избосканлик («Урганжи» ж/х) отахонлар уйда ўтиришолмай пахтазорга отланишди.*

## ВОДИЙДА БИРИНЧИ БЎЛГАНЛАР

**Мавсум ўз қаҳрамонларини, тадбиркору омилкор деҳқонларини аниқлади. Бу йилги йиғим-теримда биринчи бўлишдек бахт қуйидагиларга насиб этди:**

- *Избоскан туманидаги «Урганжи» жамоа хўжалигининг Х. Нурматов бошлиқ бригадаси деҳқонлари республикамиз мустақиллигининг 6 йиллигини пахта тайёрлаш режасини бажариш билан кутиб олдилар.*
- *326 гектар ерга барака уруғи қадаган Асака туманидаги «Навбаҳор» жамоа хўжалиги пахтакорлари гектаридан 28,5 центнердан ҳосил олиб, давлат буюртмасини атиги 15 иш кунида адо этдилар.*
- *Асакалик пахта усталари мавсум давомида водий туманлари ўртасида карвонбошилик қилдилар. Ватанга 15 минг тоннадан зиёд қимматбаҳо саноат хомашёси етказиб берган асакаликлар юртбошимизнинг қутловини олишга муяссар бўлдилар.*



*Андижон нетрон заводининг 30 дан ортиқ ишчи-хизматчилари бу йил Олтинкўл тумани пахтакорларига мададкор бўлишди.*

*Саҳифа материалларини «Халқ сўзи» мухбирлари О. ШОДМОНАЛИЕВ ва Э. БОЛИЕВ тайёрлашди.*

*(Суратлар муаллифлари Т. ҲАМРОҚУЛОВ, Х. АРАББОЕВ).*

---

**Қачонки, биз Амир Темур ҳазратларини ёд этар эканмиз, соҳибқирон салтанатининг пойтахтини ҳам эҳтиром билан тилга оламиз. Чунки Амир Темур ва Самарқанд тушунчаларини бир-биридан айри ҳолда тасаввур этиб бўлмайди.**

**Самарқанд — халқимиз, миллатимиз довруғини бутун дунёга тараттан, минг-минг йиллик тарихига эга илоҳий масканимиздир.**

**Самарқанд ўтмиши шарафли, бугуни соадатли, келажаги абадий шаҳардир.**

**Ислом КАРИМОВ.**

# МАНГУЛИККА ДАХЛДОР

**Алишер МАРДИЕВ, Самарқанд вилояти ҳокими, республика Олий Мажлиси депутати**

Истиқлол туфайли мамлакатимиз жаҳон хамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгалламоқда. Йўлбошчимиз Ислом Каримов олиб бораётган изчил сиёсат туфайли юртимизда энг муқаддас неъмат — тинчлик, барқарорлик ҳукм суриб, кишилар яратувчилик меҳнати билан машғул. Юртдошларимизнинг руҳи кўтаринкилиги, қудратли, салмоқли ишларга иштиёқи зўрлиги ҳам шундан.

Шу боис, Ватанимизда ҳар бир байрам ўзгача шукуҳ ва виқор билан нишонланади. Айёмлар одамларни эзгуликка чорлаши, уларга қувонч бағишлаб, кўнгилларини фахр-ифтихорга тўлдириши, эртанги кунга ишончини мустаҳкамлаши билан ҳам аҳамиятлидир.

Президентимиз Фармони билан 1996 йил «Амир Темур йили» деб эълон қилинишини дунё жамоатчилиги қизғин маъқуллаган эди. Соҳибқирон юбилейига бағишланган тантаналарнинг Парижда -- ЮНЕСКО бош қароргоҳида бошланганида ҳам чуқур маъно бор. Юртимизда эса бобомиз тўйи Ўзбекистон давлати барқарорлигининг, халқимизнинг ўз аждодларига ҳурматининг амалий намойиши сифатида нишонланганлиги тарихнинг мустаҳкам илдизларига чамбарчас боғланганлигимиздан далолат беради.

Президентимиз Самарқандда Амир Темур ҳайкали очилиши маросимида сўзлаган нутқида «Амир Темурни англаш — ўзлигимизни англаш демакдир. Амир Темурни улуғлаш - тарих қаърига чуқур илдиз отган томирларимизга, қудратимизга асосланиб, буюк келажагимизга ишончимизни мустаҳкамлаш демакдир», дея таъкидлаганлиги ҳам азалий анъаналаримизга қайтишга, маънавият сарчашмаларининг бекилиб қолган кўзларини очишга даъват этади.

1996 йилнинг 18 октябри Самарқанд тарихи саҳифаларига нурли ва табаррук саналардан бири бўлиб кирди, десак муболаға бўлмас. Зеро, худди шу куни Самарқанд шаҳрида соҳибқирон Амир Темурга ўрнатилган ҳайкал тантанали равишда очилди.

Ўша ҳаяжонли дамлар нафаси, ўша айём файзи абадиятга дахлдор фазилатлари билан тарихда мангу муҳрланиб қолди. Президентимиз Амир Темурнинг сервиқор ҳайкалини очиш ҳамда шаҳар байроғига биринчи рақамли «Амир Темур» орденини тақиш баробарида ушбу тарихий кунни Самарқанд куни деб белгилаш таклифини билдирди. Самарқандликлар қалби бундан чексиз ифтихор туйғуларига тўлди. Зеро, давлатимиз раҳбарининг 18 октябрни Самарқанд куни деб белгилаш тўғрисидаги ташаббуси шаҳримизнинг мислсиз бой тарихи, жаҳон цивилизациясидаги муносиб ўрни ва бугунги ёруғ иқболи, порлоқ истиқболи моҳиятидан келиб чиққан ҳамда қутлуғ шаҳарга чексиз ҳурмати, меҳр-муҳаббатининг ёрқин ифодаси эди.

Самарқанднинг гуркираб яшнаши, оламга довруғ таратиши буюк саркарда ва давлат арбоби, соҳибқирон Амир Темур номи билан боғлиқ. Бу -- тарихий ҳақиқат. Темур ва темурийлар даврида барпо этилган маҳобатли ёдгорликлар, улардаги бир-биридан жозибали нилий гумбазлар, нақшу нигорлар, сервиқор миноралар, сержило равоқ ва пештоқлар ҳар қандай инсонни ҳайрату ҳаяжонга солиши сир эмас. Биргина Регистоннинг ўзи Эйфель минораси, Парфенон, Тожмаҳал ва Буюк Хитой девори каби одамзод ақл-заковати билан бунёд этилган тарихий санъатлар сирасига киради. Бу ҳақда жаҳонга машҳур давлат арбоблари, тарихчилар, сайёҳларнинг кўплаб фикрларини келтириш мумкин.

Истиқлол туфайли Самарқанд ўзининг чинакам қадр-қимматини топди, иккинчи уйғониш ва ривожланиш босқичига кирди. Президентимиз мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ «Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли бор», деган фикрни олға сурди. Бу ўзбек халқи ҳаётида, айтиш мумкинки, Самарқанд тарихида ҳам янги даврнинг бошланиши бўлди.

Тарихда бир-бирига ўхшаш даврлар, замонлар учраб туради. Истиқлол шарофати билан бугун биз ана шундай ажиб ҳолатни бошдан кечиряпмиз. Зотан, Амир Темур XIV асрда узоқ қарамликдан сўнг юртимизда озодлик ва тараққиёт байроғини кўтарган бўлса, XX аср ниҳоясида йўлбошчимиз журъату жасорати ила Ўзбекистонда яна юксалиш даври бошланди. Ватанимиз янги Уйғониш даврига қадам қўйди. Мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий ислоҳотларнинг собитқадамлик билан олиб борилиши маънавий ҳаётимизда рўй бераётган туб ўзгаришларга ҳаётбахш омил бўлаётир.

Миллий қадриятларни тиклаш, ўзлигимизни англаш бобида ҳам дадил қадамлар ташлаяпмиз. Бунга кейинги йилларда Самарқанднинг меъморий обидаларини қайта тиклаш, айни вақтда шаҳарнинг замонавий қиёфасини ривожлантириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳам мисол бўла олади. Амир Темур даврида Самарқандда тўпланган қўли гул усталар, наққошлар, меъморлар нақадар катта бунёдкорлик ишларини бажарган бўлса, бугунга келиб ҳамюртларимиз ана шундай эзгу юмушларни садоқат билан давом эттирмоқдалар. Абадиятга дахлдор кошоналар қад ростламоқда, кўҳна ёдгорликларга қайта умр бағишланмоқда.

Самарқанднинг ҳар томонлама ривожу равнақига Президентимиз бевосита ғамхўрлик қилаётганини қайд этмоқ даркор. Йўлбошчимизнинг шаҳардаги кейинги ўзгаришлар, ҳатто соҳибқирон ҳайкалининг қандай кўриниш касб этиши, уни ўрнатиш учун танланган жой бобидаги маслаҳатлари, янги бунёдкорлик ишларига даъватлари бизларга дастуриламал бўлмоқда.

Бу хайрли тадбирларни амалга ошириш учун вилоят ҳокимлиги ҳузурида «Самарқанд шаҳрини қайта таъмирлаш ва ривожлантириш жамғармаси» тузилган. Бугун унга шаҳарликларгина эмас, балки вилоятдаги барча туман, корхона, ташкилот, муассасалар, тадбиркорлар, қолаверса, оддий кишилар баҳоли қудрат маблағ ўтказиб, Самарқанднинг янада ободонлашишига, гўзаллашишига муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Шаҳарнинг ўзига хос яна бир жиҳати шундаки, бу ерда халқаро туризмни ривожлантириш бениҳоя катта даромад келтириши мумкин. Бу борада имзоланган «Самарқанд декларацияси»нинг амалга ошишига катта умид боғлаяпмиз. Буюк ипак йўлидаги қадимий шаҳарлар -- Самарқанд, Бухоро, Хива ва Тошкент туризм бўйича махсус очиқ иқтисодий зона, деб эълон қилинганлиги соҳада янги имкониятларни яратмоқда.

Айни дамларда вилоят аҳли, шу жумладан, узоқ яйловларда сурув-сурув қўй боқаётган чўпон ҳам, далада баракали ҳосилни йиғаётган сабзавоткору боғбон ҳам, 250 минг тонналик «оқ олтин» хирмонини бунёд этиш йўлида фидокорона меҳнат қилаётган пахтакор ҳам байрам кайфиятида. Чунки вилоятимизнинг ҳар бир фуқароси Самарқанддек табаррук замин тупроғини ҳамиша кўзга суртади. Самарқанд куни шу жиҳатдан ҳаммамиз учун бирдек азиз ва қадрлидир. Ахир айтишадику: «Бу оламда қуёш ҳам битта, Самарқанд ҳам биттадир».

**(ЎзА)**

